

## ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА АКУСТИК ЖИХАТДАН ЎХШАШ УНЛИЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Раджабов Насир Насимович**

филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент  
Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги университети  
Тилларни ўрганиш кафедраси

*Мақола ўзбек ва инглиз тилларида акустик жиҳатдан ўхшаши унлиларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилишга бағишланган. Унда акустик жиҳатдан ўхшаши унлиларнинг артикуляцияси ҳамда позицион кўринишлари ўрганилган. Мақолада унли фонемаларнинг позицион кўринишлари Москва фонология мактаби назарияси асосида тадқиқ қилинган. Ўзбек ва инглиз тилларида акустик жиҳатдан ўхшаши /i/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ унли фонемаларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиниб, уларнинг инвариант, вариант ҳамда вариация кўринишлари аниқланган. Унли фонемаларнинг инвариант, вариант, вариация кўринишлари борасидаги фикрлар ишонарли мисоллар билан асосланган. Мақолада /i/, /e/, /ʌ/, /ɒ/, /ʊ/ унлилари инглиз тилида, асосан, бештадан олтигача, ўзбек тилида эса, асосан, уч хил позицион кўринишларга эга бўлиши таъкидланган.*

**Калит сўзлар:** унли, ундош, жарангли ундош, жарангсиз ундош, фонема, инвариант, вариация, вариант.

Чет тил ўрганиш жараёнида энг муҳим омиллардан бири она тили билан ўрганилаётган чет тилини назарий жиҳатдан чоғиштирма тадқиқ қилиш саналади. “... Чунки назарий тадқиқотлар тилни амалий ўрганиш масаласида катта ёрдам беради” [1, 6]. Тилларни чоғиштириш, айникса, қардош бўлмаган тилларни ўрганишда янада аҳамиятлидир. Жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизимининг фонетик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи ҳам мазкур тиллардаги унли фонемаларнинг ўхшаши ва фарқли жиҳатларини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз адабий тили вокализм тизими мураккаб характерга эга бўлиб, урғули ҳолатда 19 та фонемани, урғусиз ҳолатда 20 та фонемани ўз ичига олади. Унли фонемаларни урғули ва урғусиз ҳолатда сон жиҳатдан фарқланиши инглиз

тили вокализм тизимини урғули вокализм ва урғусиз вокализм каби икки кичик тизимга ажратиб тадқиқ қилишни тақозо қилади. Ўзбек адабий тили вокализм тизими эса тузилиши жиҳатдан содда кўринишга эга бўлиб, фақат монофтонглардан ташкил топган олти фонемадан иборатдир. Урғусизлик ўзбек тилида унлиларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан кескин ўзгаришига сабаб бўлмайди. Бу ҳолат ўзбек тилида унлилар тизимини инглиз тилидаги сингари урғули вокализм ва урғусиз вокализм каби икки кичик тизимга ажратиш заруратини келтириб чиқармайди. Инглиз тилидаги 20 та унли фонеманинг 15 таси (/ɑ:/, /ɔ:/, /æ/, /z:/, /ə/, /i:/, /u:/, /eɪ/, /aɪ/, /ɔɪ/, /aʊ/, /əʊ/, /iə/, /eə/, /ʊə/) ўзбек тилида; ўзбек тилидаги 6 та унли фонеманинг биттаси (/o'/) инглиз тилида ўзининг муқобилига эга эмас. Акустик (эшитилиши) жиҳатдан инглиз тилидаги /l/, /e/, /ʌ/, /r/, /ʊ/ фонемалари ўзбек тилида ўзининг муқобилига эга бўлади, лекин уларнинг артикуляция хусусиятлари ҳамда позицион кўринишлари қийинлашган тилларда ўзаро фарқ қилади. Мазкур фонемаларнинг инглиз ва ўзбек тилларида артикуляциясига кўра таснифи қуйидаги ўзига хосликларга эга:

/l/ унлиси инглиз тилида тил олди-бироз орқага силжиган, юқори кўтарилишнинг кенг шакли; ўзбек тилида тил олди, юқори кўтарилишдаги тор унли тарзида ҳосил бўлади;

/e/ унлиси инглиз тилида тил олди, ўрта кўтарилишнинг тор шакли; ўзбек тилида тил олди, ўрта кўтарилишдаги кенг унли тарзида юзага келади;

/ʌ/ унлиси инглиз тилида тил орқа-бироз олдинга силжиган, ўрта кўтарилишнинг кенг шакли; ўзбек тилида тил олди, қуйи кўтарилишдаги кенг унли тарзида талаффуз қилинади;

/r/ унлиси инглиз тилида тил орқа, қуйи кўтарилишнинг тор шакли; ўзбек тилида тил орқа, қуйи кўтарилишдаги кенг унли тарзида ҳосил бўлади;

/ʊ/ унлиси инглиз тилида тил орқа-бироз олдинга силжиган, юқори кўтарилишнинг кенг шакли; ўзбек тилида тил орқа, юқори кўтарилишдаги тор унли артикуляциясига эга бўлади;

Инглиз ва ўзбек тилларида акустик жиҳатдан ўхшаш унлиларнинг позицион кўринишлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Нутқ товушларини позицион кўринишларини тадқиқ қилишда уларнинг кучли ва кучсиз ҳолатдаги фонетик хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Фонемаларнинг кучли ва кучсиз позицияси Москва фонология мактаби (МФМ) назариясининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унга кўра унли фонемаларнинг урғули ҳолати кучли позиция, урғусиз ҳолати кучсиз позиция саналади [2, 251]. МФМ назариясида фонемаларнинг учта позицион кўриниши фарқланади: инвариант, вариация, вариант [3, 20]. Инвариант фонеманинг асосий кўриниши бўлиб, у

маълум бир фонетик контекстда артикуляцион-акустик жиҳатдан қай даражада ўзгаришига кўра вариация ёки вариант тарзида ифодаланади. Маълум бир фонеманинг асосий кўриниши (инвариант) ўзининг позицион ўзгариши туфайли бошқа бир фонемага ўхшаш бўлиб қолса, бундай кўриниш ўша фонеманинг варианты; ўхшаш бўлмаса, унинг позицион вариацияси ҳисобланади [2, 252]. МФМ назариясига кўра инвариант кучли позицияда, вариант кучсиз позицияда учрайди. Позицион чегараланиш борасида вариация нейтрал характерга эга. Шу боисдан у кучли позицияда ҳам, кучсиз позицияда ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, рус тилидаги барча унлилар кучли позицияда ўзларининг асосий кўринишида (инвариант), шунингдек, ёндош келган қаттиқ ёки юмшоқ ундошга боғлиқ ҳолда юзага келадиган фонема вариациялари тарзида намоён бўлади. Кучсиз позицияда фақат /ɪ/ ва /ʊ/ фонемалари вариация кўринишида, қолган унлилар ўзларининг позицион вариантларида юзага келади [2, 258]. Мазкур назарияга кўра инглиз ва ўзбек тилларида ўхшаш фонемаларнинг позицион кўринишлари қуйидаги ўзига хосликларга эга:

Инглиз тилида /ɪ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгисига кўра қисқа унли бўлиб, нутқда унинг олтига позицион кўриниши учрайди:

/ɪ/: [ɪ] инвариант: city [ˈsɪtɪ];

[ɪ] вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ талаффуз қилинади): pig [pɪg], bin [bɪn];

[ɪ] вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа талаффуз қилинади): sit [sɪt], pick [pɪk];

[ɪ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): pity [ˈpɪtɪ];

[ə] вариант (урғусиз ҳолатда): geopolitical [dʒi:əpəˈlɪtɪkəl] → geopolitics [dʒi:əˈpɒlətɪks];

[ɪ<sup>ə</sup>] вариант (урғусиз ҳолатда): peculiar [pɪ<sup>ə</sup>ˈkju:lɪə].

Ўзбек тилида эса /ɪ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда ўзининг асосан уч хил позицион кўриниши орқали ифодаланади:

/ɪ/: [ɪ] инвариант: бир [bɪr], кир [kɪr];

[ɪ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): бироз [bɪˈroz], кирди [kɪrˈdɪ];

[ɪ] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC, CV-CV тузилишидаги бўғинларда жуда қисқа талаффуз қилинади): чиқ /tʃɪq/, шиши /ʃ(ɪ)ʃɪ/.

/i/ фонемасининг фонетик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи шуни кўрсатадики, унинг инглиз ва ўзбек тилларидаги позицион кўринишларида ўзаро ўхшаш жиҳатларга нисбатан фарқли жиҳатлар салмоқли ўрин эгаллайди. Мазкур тилларда /i/ фонемасининг инвариант кўриниши, шунингдек, жарангсиз ундош таъсиридаги ҳамда урғусиз ҳолатдаги вариациялари ўзаро қисман эквивалент бўлиши мумкин. Инглиз тилидаги /i/ фонемасининг жарангли ундош билан тугаган ёпик бўғиндаги вариацияси<sup>1</sup>, [ə] ва [i<sup>e</sup>] вариантларига ўзбек тилидаги /i/ фонемасининг мос келадиган позицион кўринишлари мавжуд эмас. Мазкур ҳолат чоғиштирилаётган тилларда /i/ фонемаси бир типдаги товушлар мажмуи сифатида тўлиқ эквивалент эмаслигидан далолат беради.

Инглиз тилида /e/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгисига кўра қисқа унли бўлиб, нутқда унинг, асосан, олтита позицион кўриниши фарқланади:

/e/: [e] инвариант: very ['veri];

[e] вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ талаффуз қилинади): red [red];

[e] вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа талаффуз қилинади): ret [ret];

[e] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): septet [sep'tet];

[ə] вариант (урғусиз ҳолатда): necessary ['nesəsəri] → necessity [nə'sesiti].

[i] вариант (урғусиз ҳолатда): edit ['edit] → edition [i'diʃən].

Ўзбек тилида /e/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда унинг асосан учта позицион кўриниши қўлланади:

/e/: [e] инвариант: тер [ter];

[e] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): терди [ter'di];

[e] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда қисқа талаффуз қилинади): тепмоқ /tepmoq/.

/e/ фонемасининг инглиз ва ўзбек тилларидаги позицион кўринишлари мазкур фонеманинг чоғиштирилаётган тилларда ўхшаш жиҳатларидан кўра фарқли жиҳатлари кўпроқ эканлигини кўрсатади. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари бўлган /e/ фонемасининг ҳар икки тилдаги инвариант кўринишлари, шунингдек, жарангсиз ундош таъсиридаги ва урғусиз ҳолатдаги вариациялари ўзаро қисман эквивалент бўлади. Лекин инглиз тилидаги /e/ фонемасининг жарангли ундош

<sup>1</sup> Ундош товушларнинг жарангли-жарангсиз белгиси инглиз тилида ўзгармас, ўзбек тилида нейтралзация қилиниши ўзбек тилида унлиларнинг жарангли ундош билан тугаган бўғиндаги кўринишини алоҳида вариация сифатида талкин қилиш заруратини келтириб чиқармайди.

билан тугаган ёпик бўғиндаги вариациялари ҳамда вариант [ə], [ɪ] кўринишлари ўзбек тилида ўзининг товуш муқобилига эга эмас. Демак, чоғиштирилаётган тиллардаги /e/ фонемаси бир типдаги товушлар мажмуи сифатида тўлиқ эквивалент бўла олмайди.

Инглиз тилида /ɒ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгисига кўра қисқа унли бўлиб, нутқда унинг асосан бешта позицион кўриниши қўлланади:

/ɒ/: [ɒ] инвариант: operate ['ɒpəreɪt];

[ɒ] вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ талаффуз қилинади): pod [pɒd];

[ɒ] вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа талаффуз қилинади): pot [pɒt];

[ɒ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): operation [ɒpə'reɪʃən];

[ə] вариант (урғусиз ҳолатда): synonymous [sɪ'nɒnɪməs] → synonym ['sɪnənim].

Ўзбек тилида /ɒ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда унинг асосан учта позицион кўриниши фарқланади:

/ɒ/: [ɒ] инвариант: бор [bɒr];

[ɒ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): борди [bɒrdɪ];

[ɒ] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда қисқа талаффуз қилинади): топ /tɒp/.

Инглиз ва ўзбек тилларида /ɒ/ фонемасининг фонетик жиҳатдан чоғиштирама тадқиқи мазкур тилларда унинг ўхшаш жиҳатларидан кўра фарқли жиҳатлари кўпроқ эканлигини изоҳлайди. Мазкур тилларда /ɒ/ фонемасининг инвариант ҳамда жарангсиз ундош таъсиридаги ва урғусиз ҳолатдаги вариация кўринишлари ўзаро ўхшаш бўлиб, улар қисман эквивалент бўла олади. Инглиз тилидаги /ɒ/ фонемасининг жарангли ундош билан тугаган вариациялари ҳамда вариант кўринишлари ўзбек тилида ўзининг муқобилига эга эмас. Ҳар икки тилдаги позицион кўринишларининг ўзаро тўлиқ мос келмаслиги /ɒ/ фонемасини чоғиштирилаётган тилларда бир типдаги товушлар мажмуи сифатида тўлиқ эквивалент бўлмаслигидан дарак беради.

Инглиз тилида /ʊ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгисига кўра қисқа унли бўлиб, нутқда унинг асосан бешта позицион кўриниши учрайди:

/ʊ/: [ʊ] инвариант: butcher ['bʊtʃə];

[ʊ] вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ талаффуз қилинади): good [gʊd];

[ʊ] вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа талаффуз қилинади): put [pʊt];

[ʊ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): hooray [hʊ'rei], to [tʊ];

[ə] вариант (урғусиз ҳолатда): could STRONG FORM [kʊd], WEAK FORM [kəd].

Ўзбек тилида эса /ʊ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда ўзининг, асосан, учта позицион кўриниши орқали ифодаланади:

/ʊ/: [ʊ] инвариант: тур [tʊr], хур [hʊr];

[ʊ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): турди [tʊr'di], бурди [bʊr'di];

[ʊ] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда жуда қисқа талаффуз қилинади): тут /tʊt/.

/ʊ/ фонемасининг инглиз ва ўзбек тилларидаги позицион кўринишларида ўзаро ўхшаш жиҳатларга нисбатан фарқли жиҳатлар кўпроқ ўрин тутаяди. Инглиз тилидаги /ʊ/ фонемасининг инвариант кўриниши ва жарангсиз ундош таъсиридаги ҳамда урғусиз ҳолатдаги вариациялари ўзбек тилидаги /ʊ/ фонемасининг мазкур кўринишларига ўхшаш бўлиб, улар қисман эквивалент бўла олади. Бироқ, инглиз тилидаги /ʊ/ фонемасининг жарангли ундошга ундош билан тугаган ёпик бўғиндаги вариациялари ва вариантига мос келадиган муқобили ўзбек тилида мавжуд эмас. Бу ҳолат /ʊ/ фонемасини бир типдаги товушлар мажмуи сифатида чоғиштирилайётган тилларда тўлиқ эквивалент эмаслигидан далолат беради.

Инглиз тилида /ʌ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгисига кўра қисқа унли бўлиб, нутқда у, асосан, бешта позицион кўринишга эга:

/ʌ/: [ʌ] инвариант: cover ['kʌvə];

[ʌ] вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ талаффуз қилинади): come [kʌm];

[ʌ] вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпик бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа талаффуз қилинади): cut [kʌt];

[ʌ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): unable [ʌn'eɪbl];

[ə] вариант (урғусиз ҳолатда): company ['kʌmpəni] → companion [kəm'pænjən].

Ўзбек тилида /л/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда унинг, асосан, учта позицион кўриниши учрайди:

/л/: [л] инвариант: жўра [jõ'ra], терак [te'ra:k];

[л] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): дала [dla'la];

[л] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда қисқа талаффуз қилинади): хат /xat/.

/л/ фонемасининг инглиз ва ўзбек тилларидаги позицион кўринишлари мазкур фонеманинг чоғиштирилаётган тилларда ўхшаш жиҳатларидан кўра фарқли жиҳатлари кўпроқ эканлигини кўрсатади. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари бўлган /л/ фонемасининг ҳар икки тилдаги инвариант кўринишлари, шунингдек, жарангсиз ундош таъсиридаги ҳамда урғусиз ҳолатдаги вариациялари ўзаро қисман эквивалент бўлади. Лекин инглиз тилидаги /л/ фонемасининг жарангли ундош билан тугаган ёпик бўғиндаги вариациялари ҳамда вариант [ə] кўриниши ўзбек тилида ўзининг товуш муқобилига эга эмас. Демак, чоғиштирилаётган тиллардаги /л/ фонемаси бир типдаги товушлар мажмуи сифатида тўлиқ эквивалент бўла олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек тилларида акустик жиҳатдан ўхшаш унлилар /l/, /e/, /a/, /o/, /u/ фонемалари бўлиб, улар чоғиштирилаётган тилларда бир қатор ўзига хосликларга эга. Мазкур ўзига хосликлар /l/, /e/, /a/, /o/, /u/ унлиларининг артикуляцияси ҳамда позицион кўринишларида намоён бўлади. /l/, /e/, /a/, /o/, /u/ унли фонемаларининг артикуляцияси, позицион кўринишларидаги қайд этилаган тафовутлар мазкур унлилар акустик жиҳатдан ўхшашлигига қарамасдан бир типдаги товушлар мажмуи сифатида инглиз ва ўзбек тилларида тўлиқ эквивалент бўла олмаслигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан, инглиз ва ўзбек тилларида акустик жиҳатдан ўхшаш бўлган /l/, /e/, /a/, /o/, /u/ унлилари ўзаро ярим эквивалент мақомида бўлади.

**Адабиётлар:**

1. Mengliyeva S. S. HARBIY OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INGLIZ TILINI O'QITISH ORQALI INNOVATSION METODLARNI QO'LLASH //PEDAGOGS jurnali. – 2023. – T. 30. – №. 2. – С. 22-25.
2. Savranbekovna, Mengliyeva Sunbula. "WAYS OF TEACHING VOCABULARY AND MILITARY TERMS TO CADETS IN ENGLISH." Open Access Repository 8.2 (2022): 139-141.
3. Ширинова, Нилуфар Джаббаровна. "Предметность и качество: от синкретности к дискретности." Филологические науки. Вопросы теории и практики 2 (2010): 198-201.
4. Nilufar, Shirinova, Shirinova Nargiza, and Radjabov Nosir. "Study Of The Gradual Relations In Differentiation Of Substance And Attributive Meanings In The English And Uzbek Languages." JETT 14.3 (2023): 504-512.
5. Атаева Р. Р. ВОПРОСУ О ПОЛИВЕРШИННЫХ СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ГНЕЗДАХ РУССКОМ ЯЗЫКЕ //XIV Виноградовские чтения. – 2018. – С. 25-27.
6. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "USING VIDEOS IN EFL LESSONS." Journal of new century innovations 25.3 (2023): 91-93.
7. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна ШАРЛОТТА БРОНТЕ АСАРЛАРИДА БАДИИЙ МАҲОРАТ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-asarlarida-badiiy-ma-orat> (дата обращения: 10.10.2023).
8. Дарвишова, Гулчехра Кенжабаевна. "THE ISSUES OF WOMEN AND SOCIETY IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE." МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА 4.4 (2021).
9. Магдиева С. С., Латипов О. Ж. Русский язык //Методическое руководство для учителей лицеев и колледжей по всем направлениям специальности. – 2012.
10. Магдиева, С. С., Ю. У. Матенова, and О. Ж. Латипов. "Методика преподавания русского языка в АЛ и ПК." Учебное пособие (2012).
11. Nasimovich, Radjabov Nasir. "ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИЛ ОЛДИ УНЛИЛАР ДИСТРИБУЦИЯСИ." JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH 5.4 (2022): 117-120.
12. Nasimovich, Radjabov Nasir. "A SIMPLE CLASSIFICATION OF ENGLISH UNSTRESSED VOWEL PHONOLOGICAL OPPOSITIONS." INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION (2022): 60.
13. Раджабов, Насир Насимович ЎЗБЕК ТИЛИДА УНЛИ ФОНЕМАЛАРНИНГ ПОЗИЦИОН КЎРИНИШЛАРИ // ORIENSS. 2022.

- №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbek-tilida-unli-fonemalarning-pozitsion-k-rinishlari> (дата обращения: 10.10.2023).
14. Nasimovich, Radjabov N. "Language Interference in Teaching English Diphthongs to Uzbek Learners." *International Journal on Integrated Education*, vol. 4, no. 8, 2021, pp. 16-21, doi:[10.31149/ijie.v4i8.2109](https://doi.org/10.31149/ijie.v4i8.2109).
  15. Radjabov N. N. REDUCTION IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES //Контактная информация организационного комитета конференции. – С. 73.
  16. Умарова, Ф. З. "МЕТОДИЧЕСКАЯ РАЗРАБОТКА ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ НА ТЕМУ «НАРЕЧИЕ. РАЗРЯДЫ НАРЕЧИЙ»." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 18.1 (2023): 34-40.
  17. Умарова, Ф. З. "ГРАФИЧЕСКИЕ ОРГАНИЗАТОРЫ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ." *Journal of new century innovations* 21.4 (2023): 238-240.
  18. Умарова, Ф. З. "КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ–ВАЖНОЕ ПРЕИМУЩЕСТВО БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 2.Special Issue 28 (2022): 429-434.
  19. Широнова, Наргиза. "ЎРГАНИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА "ФАОЛЛИК" ТУШУНЧАСИ ТАЎҚИНИ." *Talqin va tadqiqotlar* 1.8 (2023).
  20. Djabarovna, Shirinova Nargiza. "Synonymous pairs of lexical units." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.2 (2021): 910-913.
  21. Эркаев, Элмирза, Нурзод Дустмуродов, and Бекзод Нурибегов. "НЕМИС ТИЛИ ЎРГАТИШДА СОЎАВИЙ ТЕРМИНЛАР." (2023): 190-194.
  22. Эркаев, Элмирза, and Иззатилло Мавлонов. "ЧЕТ ТИЛДА НУТҚ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРЖИМАНИНГ ЎРНИ." *Journal of new century innovations* 18.4 (2022): 45-48.
  23. Эркаев, Э. Т. "ТАРЖИМАНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎРГАТИШГА ДОИР." *ЖАНОН ИLM-FANI TARAQQIYOTIDA TARJIMASHUNOSLIKNING ANAMIYATI* (2021): 131.
  24. Эркаев, Элмирза. "Таржимани ўргатишда лингводидактик ёндашув." *Общество и инновации* 2.3 (2021): 120-124.
  25. Хайдаровна, Rashidova Munavvar. "Discourse competence as the component of communicative competence." *EPRA International Journal of Research and Development* 6.3 (2021): 39-41.
  26. Хайдаровна, Rashidova Munavvar, and Namozova Dilnoza Berdimurotovna. "Teaching technical subjects through English." *Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: даврий анжуманлар* 10 (2022).
  27. Булычёва, М. Ф. "К вопросу о рациональных приёмах запоминания учебного материала." *Science and Education* 4.2 (2023): 1359-1369.